



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2018 йил 16 май, № 99 (7057) • Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингизга оғдириб сканер қилинг.



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ БУЮК БРИТАНИЯ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ ЎРИНБОСАРИ БИЛАН УЧРАШДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 15 май куни Лондон шаҳри аэропортида қисқа техник тўхташ давомида Буюк Британия ташқи ишлар вазири ўринбосари Алан Дункан билан учрашди.



Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати хабар беради. Суҳбат давомида давлатимиз раҳбари икки томонлама ҳамкорлик борасида мавжуд улкан салоҳиятни самарали рўйбга чиқариш мумкин эканини алоҳида таъкидлади. Турли даражалардаги мулоқотларни жадаллаштириш, амалий ҳамкорликни ривож-

лантириш, савдо-иқтисодий, инвестициявий, инновацион, молиявий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги қўшма дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Ташқи ишлар вазири ўринбосари давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевга Буюк Британия Бош вазири Тереза Мэйнинг саломи ва эзгу тилакларини етказди.

Алан Дункан мамлакатимизда янги босқичда амалга оширилаётган ислохотларга, Ўзбекистоннинг минтақада хавфсизлик, барқарорлик ва илҳом тараққиётни таъминлашга қаратилган фаол сайёҳаракатларига, жумладан, жорий йил март ойида Тошкент шаҳрида Афғонистон бўйича халқаро конференцияга юксак баҳо берди.

Буюк Британия давлатларимиз ўртасидаги кенг қўламли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга тайёр эканини таъкидлади. Лондондаги техник тўхташдан сўнг Президентимиз АҚШга жўнаб кетди.

ЎзА. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати сурати.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АҚШГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трампнинг таклифига биноан 2018 йил 15 май куни илк расмий ташрифи билан Вашингтонга келди.

Вашингтон, 15 май. ЎзА махсус муҳбири Абу Бахр УРОЗОВ хабар қилади.

АҚШ пойтахтидаги «Эндрюс» аэропортида Ўзбекистон Республикаси Президентини АҚШ расмий вакиллари кутиб олди.

Бўлажак олий даражадаги мулоқотга икки томон ҳам катта эътибор билан қарамокда. АҚШ маъмурияти Ўзбекистон Президенти ташрифини тарихий воқеа сифатида баҳоламоқда.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 16-17 май кунларига белгиланган. 16 май куни Шавкат Мирзиёев Оқ уйда Дональд Трамп билан учрашади. Музокаралар аввал тор доирада, сўнг кенгайтирилган тарихида бўлиб ўтади.

Аввал хабар қилинганидек, олий даражадаги музокараларда Ўзбекистон — АҚШ ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинади. Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашиш режалаштирилган. Вашингтонда давлатимиз раҳбари, шунингдек, АҚШ Конгресси, Мудофаа вазирлиги ва Давлат департаменти ҳамда Жаҳон банкида икки томонлама учрашувлар ўтказилади.

Расмий ташриф якунида икки мамлакат Президентлари «Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари: стратегик шериклик янги даврининг бошланиши» деб номланган Қўшма баёнотни имзолаши, шунингдек, турли соҳаларда ўзаро муносабатларни янада мустаҳкамлашга қаратилган 40 дан ортиқ ҳужжатлар тўплами қабул қилиниши кутилмоқда.

ЎзА.

## ДУНЁ НИГОҲИ

### «ДОНАЛД ТРАМП ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ОҚ УЙДА УЧРАШАДИ»

Америка Қўшма Штатларида чоп этиладиган кўплаб йирик нашрларнинг асосий сарлавҳалари шу мазмунда бўлди.

Хусусан, нуфузли «The Washington Post» газетасининг ёзишича, Дональд Трамп ва Шавкат Мирзиёев мамлакатлар ўртасидаги икки томонлама стратегик ҳамкорликни янада ривожлантириш

#### The Washington Post

йўллари муҳокама қилади. Кўп сонли ўқувчиларга эга «The New York Times» газетасининг қайд этишича, музокаралар чоғида Ўзбекистонда турли соҳаларда ҳаётга татбиқ этилаётган ислохотлар ҳақида америкалик сиёсатчилар, экспертлар яқиндан хабардор бўлишади. Чунки кейинги икки йил ичида республикада муҳим ўзгаришлар жараёни бошланган бўлиб, Вашингтонда ушбу воқеа-ҳодисаларга катта қизиқиш билдириляпти, дейди нашр вакиллари.

#### The New York Times

«Яна бир муҳим масала — икки томонлама савдо-сотиқни кенгайтириш ва ўзаро сармоялар ҳажмини оширишдан иборатдир», дейилади АҚШнинг энг йирик ахборот агентлиги «Associated Press» тарқатган хабарда.

«Associated Press» тарқатган хабарда. Экспертлар ва таҳлилчилар орасида машҳур бўлган «The National Post» хабар қилганидек, икки давлат раҳбарлари «Марказий Осиёдаги минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ ўта муҳим масалаларни кўриб чиқадилар. Бунда асосий

#### AP Associated Press

эътибор Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришга қаратилди».

Ўзбекистон раҳбарининг Вашингтонга ташрифи ҳақидаги салмоқли материалларни «Los Angeles Times», «Star Tribune», «Chron», «Herald Dispatch», «Standard Journal» сингари йирик нашрлар ҳамда

#### NATIONAL POST

қатор бошқа оммавий ахборот воситалари ҳам чоп этдилар. Олий даражадаги Ўзбекистон — Америка музокаралари экспертлар

#### STRATFOR

орасида ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Жумладан, «Stratfor» таҳлил маркази Президент Шавкат Мирзиёевнинг АҚШга расмий ташрифини «хафтининг энг муҳим геосийосий воқеаларидан бири» сифатида тилга олди. Яна бир «ақл маркази» Атлантик Кенгаш (The Atlantic Council) сайтида жойлаштирилган мақолада Ўзбекистонда амалга оширилаётган

#### Atlantic Council

ислохотлар ҳақида сўз юритилди. Чунинчи, унда мамлакатнинг ташқи дунёга очилишини таъминлаш, давлат ва жамият муносабатларини мутлақо янгитдан йўлга қўйишга қаратилган маъруза ўзгаришлар «Марказий Осиё тарихида янги саҳифа очди», дея таъкидланади.

Вашингтонда жойлашган Тинчлик ва уруш масалалари институти экспертларининг ёзишича, қисқа давр ичида Ўзбекистон раҳбари ташаббуси билан муҳим ислохотлар, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш тузилмаларида йирик ўзгаришлар амалга оширилиб, уларнинг ҳуқуқ ва ваколатлари аниқ

#### INSTITUTE FOR WAR & PEACE REPORTING

#### I W P R

белгилаб қўйилгани қайд этилади. Ўз навбатида, Марказий Осиё ва Кавказ институти веб-сайтида жойлаштирилган мақолада Ўзбекистондаги иқтисодий модернизация жараёнига юқори баҳо берилди. Мазкур жараён нафақат аҳоли фаровонлигини юксалтириш, балки давлатнинг

#### Central Asia-Caucasus Institute

стратегик позициясини мустаҳкамлашга хизмат қилиши эътироф этилди.

Анвар МИРЗАЕВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

### ҲАМКОРЛИК

Пойтахтимизда Германия — Ўзбекистон ишбилармонлар кенгаши мажлиси ҳамда икки мамлакат тадбиркорлари иштирокида бизнес форуми ўтказилди.

## Савдо-иқтисодий алоқалар янада кенгайди

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Инвестициялар ва давлат қўшма маъмурияти, Савдо-санаят палатаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу анжуманда икки давлатнинг иқтисодий, савдо-санаят, энергетика, кимё, автомобилсозлик, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, логистика, туризм, қурилиш каби соҳалар учун масъул вазирлик ҳамда идоралари, 70 дан ортиқ компаниялар ва концернлар раҳбарлари қатнашди.

Тадбирда таъкидланганидек, Ўзбекистон — Германия ўртасидаги тенг манфаатли алоқалар кеча ёки бугун бошлангани йўқ. Ҳамкорлик ўтган давр мобайнида изчил ривожланаётган. Айниқса, сўнгги икки йилда савдо-иқтисодий йўналишдаги муносабатлар янада мустаҳкамланди. Бунда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан амалга оширилаётган ислохотлар, айниқса, чет давлатлар билан савдо-саноат алоқаларини фаоллаштириш, хорижий инвесторларга зарур шарт-шароитлар яратиб берилаётгани муҳим омил бўлмоқда. Айтиш жоизки, Германиядан Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилинган инвестициялар ҳажми 1 мил-

лиард АҚШ долларини ташкил этади. Бугунги кунда мамлакатимизда Германиянинг ўз соҳасида етакчи бўлган «MAN», «Клас», «Лемкен», «Кнауф» каби 130 дан ортиқ концерн ҳамда корхоналари муваффақиятли фаолият юритмоқда. Улар турли русумдаги юк автомобиллари, замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари, қурилиш материаллари, энгил санаят, тиббиёт, фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш, мева-сабзавотларни қайта ишлашга ихтисослаштирилган.

Икки давлат ўртасидаги фаол ишбилармонлик муҳити натижасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ўтган йили 600 миллион АҚШ долларидан ошди. Жорий йилда бу кўрсаткичи янада кўпайтириш кўзда тутилган. — Бу галги мажлисимиз кўтаринки руҳда, аниқ тақлиф ва самарали музокараларга бой тарзда кечгани билан ажралади турди, — дейди Германия — Ўзбекистон ишбилармонлар кенгаши аъзоси Фальк Порше. — Ўзаро иқтисодий алоқаларни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилиш. Бир қатор йўналишларда ҳамкорликни йўлга қўйиш режалаштирилди.

(Давоми 2-бетда).

## Ҳисоб палатасининг ўтган йилдаги фаолияти кўриб чиқилди

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2017 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи атрофида кўриб чиқилди.

### ПАРЛАМЕНТДАГИ МУҲБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Чунинчи, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида тақдим қилинган ахборотда Ҳисоб палатасининг ўтган йилги фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига мувофиқ, Давлат бюджетининг самарали ижро этилишига, молиявий маблағлардан мақсадли фойдаланилишига, иқтисодий бarchа соҳасининг барқарор тараққиоти таъминлаш учун мўлжалланган давлат ҳамда минтақавий ривожланиш дастурларининг ижросини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилгани таъкидланди. Ҳисоб палатаси томонидан маҳаллий бюджетларга

қўшимча даромад манбаларини аниқлаш мақсадида республика ҳудудида ўтказилган ўрганиш ва таҳлиллар натижасида қарийб 120 млрд. сўмликдан ортиқ қўшимча даромад манбалари аниқланиб, бу борада ҳудудий молия ҳамда солиқ идораларига 50 дан ортиқ йўналишларда тахлиллий ишларни амалга ошириш бўйича тегишли кўрсаткичлар берилган. Президентимизнинг пойтахтимиз Чилонзор туманида санаот ва хизмат кўрсатиш йўналишида истиқболли лойиҳаларни кўпайтириш бўйича таклифларни тайёрлаш ҳамда Самарқанд ва Хоразм вилоятларида санаот, қишлоқ хўжалиги ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришга

оид лойиҳалар ва уларнинг «йўл харита»лари параметрлари, молиялаштириш манбалари, ташаббускор-инвесторлари ҳамда амалга ошириш муддатлари асосли экани юзасидан Ҳисоб палатаси томонидан ўрганишлар ўтказилган. Натижада Чилонзор туманида умумий қиймати 568,4 млрд. сўмлик 90 та қўшимча лойиҳа сараланиб, ҳар бир лойиҳа бўйича тармоқ жадаллари ишлаб чиқилиб, тасдиқланган. Хоразм ва Самарқанд вилоятлари бўйича 743 та инвестицион лойиҳанинг молиялаштириш манбалари, суммаси ҳамда амалга ошириш муддатлари қониқарсиз даражада ишлаб чиқилгани аниқланиб, уларнинг «йўл харита»-

ларини расмийлаштирилиши бўйича тегишли кўрсаткичлар берилган ва инвестицион лойиҳалар сони 387 тагача камайtirилган. Фракция аъзолари таъкидлаганидек, мавжуд муаммоларни, бюджет интизомига риоя қилиш ҳолатини ҳар томонлама ўрганиш муҳимдир. Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси аъзолари мазкур ҳисобот юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, Давлат дастурида белгиланган маданий ҳамда археология мероси объектларини асраб-авайлаш, улардан оқилона фойдаланиш ва инфратузилмани ривожлантириш тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларнинг тизимли равишда бажарилиши устидан Ҳисоб палатаси назоратни янада кучайтириши лозимлигини алоҳида таъкидладилар.

(Давоми 2-бетда).

## Фуқаролик ишлари бўйича судларга ҳужжатларни электрон шаклда топшириш мумкин

Фуқаролик ишлари бўйича Заңгиота туманлараро судида тизимга жорий этилаётган замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда уларнинг афзалликларига бағишланган пресс-тур ташкил қилинди. Таъкидланганидек, Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, юртимизда суд-ҳуқуқ соҳасига оид ислохотлар изчил олиб борилаётган. Бундан қўзғалган

асосий мақсад фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини ошириш, суд ҳокимия-

гилари кенг жорий қилинаётгани бу борада муҳим аҳамият касб этаётди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) ҳамда БМТ Тараққиёт дастури томонидан ҳаётга татбиқ қилинган E-SUD миллий электрон судлов ахборот тизимининг ўрни юқори.

(Давоми 2-бетда).

## Тошкент — Хўжанд — Тошкент йўналишида автобус қатнови йўлга қўйилди

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил март ойида Тожикистон Республикасига қилган давлат ташрифи чоғида икки мамлакат ўртасида халқаро


### КУЛАЛИК

автомобиль қатновини йўлга қўйишга оид битим имзоланган эди. Бугун унинг ижроси таъминланиб, Тошкент — Хўжанд — Тошкент йўналиши бўйлаб Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида автобус қатнови йўлга қўйилди.

(Давоми 2-бетда).



# Ҳисоб палатасининг ўтган йилдаги фаолияти кўриб чиқилди



(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Йиғилишда ўтган йили Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда Ҳисоб палатаси аъзолари ҳамкорлигида соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилган ислохотлар ижросини таъминлаш ва амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида жойларда қатор ўрганишлар ўтказилган қайд этилди. Ҳисоб палатаси аъзолари ҳамда Ҳисоб палатаси аъзолари ҳамкорлигида соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилган ислохотлар ижросини таъминлаш ва амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида жойларда қатор ўрганишлар ўтказилган қайд этилди. Ҳисоб палатаси аъзолари ҳамда Ҳисоб палатаси аъзолари ҳамкорлигида соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилган ислохотлар ижросини таъминлаш ва амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида жойларда қатор ўрганишлар ўтказилган қайд этилди.

ликлари шифокорлар билан тўдрилимагани аниқланган. Тиббиёт соҳасига 2017 йилда 2016 йилдагига нисбатан кўп маблағ ажратилганига қарамай, оналик ҳамда болаликни муҳофаза этиш ҳолатида сезиларли ўзгаришлар кузатилмаган. Мазкур масалалар яқини бўйича Ҳисоб палатасининг кўрсатмаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим қилинган.

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси** йиғилишида таъкидланганидек, 2017 йилда Ҳисоб палатасига юклатилган вазифа ҳамда топшириқлар ижроси бўйича ўтказилган текшириш ва ўрганишлар (аудит) натижалари юзасидан давлат раҳбарига 66 та, Вазирлар Маҳкамасига 3 та маълумотнома ҳамда тахлилий мате-

риаллар киритилган. Натижада 10 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат ва баённомалар қабул қилинган.

Депутатлар томонидан коммунал соҳадаги текширишлар натижаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Қайд этилганидек, "Тошсискуват" давлат унитар корхонаси ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2010 йил 1 январидан 2015 йил 1 июлгача бўлган даврда Давлат бюджети маблағларининг тўғри сарфлангани, солиқ ҳамда бошқа тўловларнинг тўғри ҳисоблаб тулалани, шунингдек, молиявий-ҳўжалик фаолиятини текшириш учун назорат тадбирлари ўтказилиб, жами 516 млрд. сўмлик хатокамчиликлар аниқланган.

Президентимизнинг 2017 йил 8 августдаги "Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси Андижон вилоятда, Тошкент вилоятининг Бекобод тумани ва Олмалиқ шаҳрида ҳамда пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур, Учтепа, Сергели, Олмазор ва Бектемир туманларида ўрганилган. Асосий эътибор жойларда 4 та сектор раҳбарлари томонидан қарорда белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда иш фаолияти қандай ташкил этилгани ва йўлга қўйилганига қаратилган.

**демократик партияси фракцияси** аъзолари муҳокамалар давомида Ҳисоб палатаси томонидан солиқ ҳамда боғжона тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши ва бундай ҳолатларга олиб келаётган сабаб ҳамда шарт-шароитларни таҳлил қилиш, уларни такомиллаштириш, солиқ ва боғжона имтиёзларини бекор қилиш ҳамда уларнинг ставкаларини ўзгартириш бўйича тақлифлар тайёрланганини эътироф этишди.

Айни чоғда суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари ҳамда тижорат банклари раҳбарлари томонидан ҳисобот йилида барча ҳудудда коррупция-

га қарши курашиш, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий соҳаларда юзага келаётган муаммолар бўйича сайёр қабулларда аниқланган коррупцион ҳолатлар юзасидан тегишли қонуний чораларни кучайтириш ҳамда бу борада профилактик чора-тадбирлар самардорлигини ошириш зарурлигини таъкидладилар.

Шу билан бирга, депутатлар Ҳисоб палатаси томонидан қонун ҳужжатлари ижросини "қоғозсиз" назорат этиш электрон тизимидан янада самарали фойдаланиш, республикамиздаги барча ижро органи, ҳўжалик бошқаруви органларининг ушбу тизимга уланishiларини таъминлаш зарурлиги юзасидан ўз тақлифларини билдирдилар.

Йиғилишларда ушбу ҳисобот фракциялар томонидан маълумланди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

# Савдо-иқтисодий алоқалар янада кенгайяди



(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Масалан, "Кнауф" компанияси яқинда Бухорода қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш линиясини очиб бўйича музокаралар ўтказди. Шунингдек, келгусида автомобилсозлик ҳамда кимё соҳасида ҳам истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилди. Бунинг учун имкониятларимиз ҳам, салоҳиятимиз ҳам етарли, деб ўйлайман.

иқтисодий зоналар, уларда хорижий инвесторларга яратилаётган имкониятлар ҳақида батафсил маълумот берилди. Шунингдек, ўзбекистонлик ёш кадрларнинг Германиядаги машҳур компанияларда амалиёт ўташлари йўлга қўйиб тақлифи билан чиқилди. Албатта, бу ўзаро тахриба алмасишда муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистон тез суръатларда ривожланиб бораётган давлатлардан бири, — дейди Германиянинг "Кнауф" компанияси директори Николас Кнауф. — Колаверса, савдо соҳасида мамлакатларимиз ўртасида энг кўп қўлайлик яратиб бораётган жорий этилган. Бу ерда фаолиятимизни бошлаганимизга ўн йилдан ошди. Шу вақт ичида ўзбек тадбиркорлари билан ҳамкорликда самарали ишлаб келдик. Биламизки, Ўзбекистонда улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилаёпти, замонавий бинолар, иншоотлар барпо қилинаётир. Қурилиш материаллари бораётган аҳтиёжини инобатга олган ҳолда, яқин кунларда ушбу соҳага қўшимча 75 миллион АҚШ доллари миқдорига сармоя киритмоқчимиз. Бу эса, шубҳасиз, ўзаро инвестициявий алоқаларимизни янада мустаҳкамлайди.

Германиялик ишбилармонларга юртимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, эркин

бузиши мумкин бўлган вазият ҳақида бида туриб профилактика инспекторига хабар қилишни ўзимизга эп кўрмаймиз. Аслида ушбу масалада ҳар бир фуқаро фаол бўлмас экан, маҳалламизни жиноятдан ҳоли ҳудудга айлантириб бўлмайди. Демак, жамоатчилик назорати ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ-тартиб идоралари билан ҳамкорлигини изчи йўлга қўйиш лозим. Биз, депутатлар бу борада тарғибот тадбирларини олиб боришимиз, ўзимиз сайланган ҳудудда аҳолини мунтазам ўрганиб, зарур бўлса, тегишли идора ёки маҳаллий ҳокимиятга тақлифларимизни киритишимиз аниқ мудаоидир.

Қўшма йиғилишда, шунингдек, Наманган вилояти ҳокими Х. Бозоров ва тегишли идоралар раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди. Таъкидлаш мумкин бўлган ҳисоботлар тегишли қарор қабул қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси Н. Йўлдошев иштирок этди.

Энжда АШУРОВА.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

# Депутат сўрови Мўйноқда ичимлик суви таъминоти қачон яхшиланади?

Қайд этиш жоиз, апрель ойининг охириг ўн кунлигида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари жойларда худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, иқтисодий тармоқлари ҳамда ижтимоий соҳа аҳолини ўрганиш билан бирга, давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган Фармон ва қарорлар ижросини ҳам муфассал таҳлил қилинган эди.

Депутатлар томонидан Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманида олиб борилган ўрганишларда ечимини кутаётган, кечиктириб бўлмайдиган масалаларга эътибор қаратилди. Хусусан, Президентимиз таъин қилинган муаммо бўлган Кўнжирот — Мўйноқ ичимлик суви тармоқлари фойдаланишга топширилган эди. Аммо ушбу лойиҳа аяқунданганидан бир йил ўтмасдан суви қувурларида тез-тез авария ҳолатлари юзага келиши натижасида туман аҳолисига тоза ичимлик сувини етказиб беришда узилишлар кузатилаётган. Тумандаги "Арал" маҳалла фуқаролар йиғинини ичим-

лик суви билан таъминлаш 2018 йилги дастурга киририлганига қарамай, бугунги кунгача бу борада ишлар бошланмаган.

Депутатларнинг фикрича, Тармуғийдан келадиган сув тармоғидаги сув босимини ошириш мақсадида қўшимча насосларни ўрнатиш лозим. Бундан ташқари, туман марказига оқар сувнинг етиб келмаслиги боис аҳоли томонда ерларидан самарали фойдалана олмаётди. Одамларнинг ҳақиқий эътирозлари ҳам сабаб бўлаётган мазкур масала чиндан долзарблигини кўрсатмоқда.

Юқоридаги муаммоларни бартараф этиш юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисига депутат сўрови юборилди.

# Жиноятчиликнинг айрим турлари нега кўпаймоқда?

Наманганда Худудларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш Республика комиссияси ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгаши қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

## ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ

Унда комиссия минтақавий ишчи гуруҳи томонидан вилоятда шу масала доирасида ўтказилган ўрганишлар яқини атрофича кўриб чиқилди.

Ишчи гуруҳи раҳбари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси К. Комиловнинг таъкидлашича, вилоятда жиноятларнинг барвақт олдини олиш ҳамда ҳуқуқбузарликка қарши курашиш борасида ҳуқуқ-тартибот, давлат ва нодавлат идоралари томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, соҳа ҳодимларининг масъулият ва малакасини ошириш, профилактика ҳамда жиноят қидирув фаолиятига илгор тахриба ва инновацион технологияларни жорий этишга аҳамият қаратилмоқда. Натижада шу йилнинг ўтган тўрт ойи мобайнида

асосий жиноят турларининг бирмунча камайишига эришилди.

Хусусан, аёллар, муқаддам судланган шахслар ҳамда воёга етмаганлар жиноятчилиги сезиларли даражада камайгани бунга ақвол мисолдир. Бироқ ўрганишлар чоғида тегишли идоралар фаолиятида қатор камчиликлар, ечимини кутаётган муаммолар, ишга солиниши зарур бўлган имкониятлар мавжудлиги аён бўлди. Мисол учун, вилоятда оғир турдаги жиноятлар сонини ошган. Жумладан, Қосонсой, Наманган ва Норин туманлари ҳамда Наманган шаҳрида қотиллик қасддан тан жароҳати етказиш, босқинчилик, фирибгарлик қўрқинчиларининг олдини олиш бўйича профилактика ишлари самараси анча паст. Жиноят қидирув соҳасида эса 32 та жиноят очил-

май қолгани янада ташвишланарлидир.

Жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолияти билан боғлиқ мунозаралар билан ишлаш борасида ҳам нуқсонлар борлиги туфайли юқори таҳлил қилинган бўлиши аниқ. Биргина ички ишлар соҳасида айни масала бўйича назорат етарли эмаслиги боис 6 та ҳолатда қайд этмаслик йўли билан жиноятлар ҳисобдан яширилган. Ҳуқуқбузарликларнинг нотўғри малакаланлиши оқибатида эса маъмурий тартибда ҳал этилган 35 та қарор маъмурий судлар томонидан жиноят аломатлари бор, деган ҳулоса билан прокуратурага қайтарилган.

Ҳамон кўпчилиқда жиноятчиликнинг олдини олиш ва уни барвақт аниқлаш ҳуқуқ-тартибот идоралари, хусусан, ички ишлар органларининг вазифаси, деган нотўғри қараш мавжуд, — дейди халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Махмуджон Парпиев. — Энг ачинарлиси, кўп ҳолатларда эртага одамлар ҳаловатини

бузиши мумкин бўлган вазият ҳақида бида туриб профилактика инспекторига хабар қилишни ўзимизга эп кўрмаймиз. Аслида ушбу масалада ҳар бир фуқаро фаол бўлмас экан, маҳалламизни жиноятдан ҳоли ҳудудга айлантириб бўлмайди. Демак, жамоатчилик назорати ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ-тартиб идоралари билан ҳамкорлигини изчи йўлга қўйиш лозим. Биз, депутатлар бу борада тарғибот тадбирларини олиб боришимиз, ўзимиз сайланган ҳудудда аҳолини мунтазам ўрганиб, зарур бўлса, тегишли идора ёки маҳаллий ҳокимиятга тақлифларимизни киритишимиз аниқ мудаоидир.

Қўшма йиғилишда, шунингдек, Наманган вилояти ҳокими Х. Бозоров ва тегишли идоралар раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди. Таъкидлаш мумкин бўлган ҳисоботлар тегишли қарор қабул қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси Н. Йўлдошев иштирок этди.

Қудратилло НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

# Фуқаролик ишлари бўйича судларга ҳужжатларни электрон шаклда топшириш мумкин

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Зеро, у фуқаролик ишларини судларда кўриб чиқиш мuddатини қисқартириш, суд хабарномалари ва ҳужжатларини тароқлашга етказиш механизмларини такомиллаштиришдан ташқари, сансалорлик ҳамда бюрократик тўсиқларни бартараф этишда кўп келаёпти. Эътиборлиси, бу тизим 2017 йилнинг октябрь ойидан бун фуқаролик ишлари бўйича судларнинг барчасида муваффақиятли қўлланиб келинмоқда.

Тадбирда E-SUD электрон тизими имкониятлари, яъни ишчи рўйхатдан ўтказишдан тортиб, суд қарори чиқарилишигача бўлган жараён намойиш қилинди. Эндилкида фуқаролар судга мурожаат этиш учун суд биносига бориш, навбатда туриш, ҳужжатларни қўлда ёзиб, қоғоз шаклида топшириш

каби юмушларга вақт ва маблағ сарфлашмайди. Аксинча, фуқаролик ишлари бўйича судларга исталган вақтда, турли масофадан ҳужжатларни электрон кўринишда топширишлари мумкин.

Пресс-тур доирасида журналистлар судда ишларни кўриш жараёнида очиклик ҳамда шаффофликни таъминлаш мақсадида ишга туширилган аудио-видео тасвирга олиш тизими — "SRS Femida" фаолияти билан ҳам яқиндан танишишди. Ишга боғлиқ материалларнинг электрон тарзда шакллантиришнинг бундай тартиби нафақат кўп меҳнат ва ортиқча қоғозбозлиқни қисқартириш имконини беради, айни чоғда ҳужжатларни сақлаш, уларни юқори инстанция судларига юбориш, материаллар билан тарафларни таништириш, улардан нусха олиш каби процессуал жараённи ҳам сезиларли тарзда

соддалаштиради. Шу билан бирга, у судья, прокурор ҳамда адвокатлар, энг асосийси, тарафлар ва ишда қатнашувчи бошқа шахслар учун қўлайлик яратди, уларнинг суд мажлисида иштирок этиш маданиятини ҳамда масъулиятини оширади.

Тадбирда фуқаролик ишлари бўйича судларнинг жорий йил биринчи чорагидаги фаолияти ҳақида ҳам маълумот берилди. Таъкидланганидек, бу даврда мазкур судлар томонидан жами 56 миң 653 та иш кўриб чиқилган ва 83 миңлиқ сўмликдан зиёд мажбурий тўловларни ўндирши ҳақида 111 миң 376 та суд буйруғи чиқарилган.

Пресс-турда, шунингдек, бир неча амалий қўлаш ҳамда рисоаларнинг тақдими бўлиб ўтди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

# Зарафшонликларни қийнаётган муаммо

Депутатларнинг Навоий вилоятининг Зарафшон шаҳри аҳолиси билан мулоқотларида ҳам долзарб масалалар ўртага ташланган эди. Шаҳар худудидagi чикиндилар ўз вақтида олиб кетилмаётгани, бунинг натижасида атроф ифлосланаётгани ана шулардан биридир.

Шаҳар марказий қичқинчихона ҳолати депутатлар томонидан таҳлил этилганда, қичқиндилар кўпимлаётгани натижасида полиэтилен қичқиндилар шамол орқали 2 километрдан ортиқ радиусда худудларга ёйилиб кетиши туфайли атроф-муҳит ифлосланаётгани маълум бўлди.

Аниқланишича, қичқиндиларни саралаш ёки қайта ишлаш йўлга қўйилмаган, қичқинчихонага олиб борувчи йўлнинг атрофида ноқонуний қичқинчихоналар вужудга келган. Ушбу салбий ҳолатлар Рохат ҳамда Янги Зарафшон посёккаларида истикомат қилаётган аҳолининг ҳақиқий эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Зарафшон шаҳар "Тоза худуд" давлат унитар корхонаси билан шартнома тузган аҳоли ва юридик шахслардан ўз вақтида тўловлар ўндирилишига қарамастан, қичқиндилар ўз вақтида олиб чиқиб кетилмаётди. Бунинг асосий сабаби ишчилар

сонини ҳамда техника етишмаслигидир.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, "Парламент назорати тўғрисида"ги Қонуннинг 15-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисига Навоий вилоятининг Зарафшон шаҳридаги "Тоза худуд" ДУКни етарлича техника ҳамда ишчи-ҳодимлар билан таъминлаш, корхонага тегишли шарт-шароитларни яратиб бериш, хизмат кўрсатиш қамровини кенгайтириш, марказий қичқинчихона-ни талаб даражасига келтириш, қичқиндиларни қайта ишлаш ва ноқонуний қичқинчихоналарни бартараф этиш юзасидан амалга оширилиши режалаштирилган ишлар хусусида асосланган рапорт ёзма маълумот беришини сўраб, депутатлик сўрови юборилди.

Айни пайтда ушбу сўровларга жавоблар кутилмоқда.

З. ИСМОИЛОВА.

# Тошкент — Хўжанд — Тошкент йўналишида автобус қатнови йўлга қўйилди

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Мазкур йўналишдаги илк рейс 15 май кунини эрталаб соат 8:30 да "Тошкент" автовокзалидан йўлга чиқди. Йўл оралиги 174 километр бўлса-да, йўловчиларга яратилган қўлайликлар масофани қисқартираётгандек, йўл.

— Узим Тожикистонда туғилганман, — дейди Хўжандга йўл олган Маълуд Мирзаева. — Тошкентга келиб бўлиб тушганман. Катновнинг йўлга қўйилгани мен каби кўпжаб юртдошларимизга ота-онаси, қариндошлари билан тез-тез дий-

дорлашиш, ҳолидан хабар олиб туриш имконини беради. Бундан жуда хурсандим.

— Яқинда Қозғоғистон ва Қирғизистон Республикаларига автобус қатновлари очилганида, ҳаёлимдан "Тожикистонга ҳам автобус харақати йўлга қўйилар", деган фикр ўтган эди, — дейди яна бир йўловчи Шамшам Эрматов. — Буни қарангки, бугун йўлаб юрган орзуларимиз рўёбга чиқди. Мана шундай замонавий, барча қўлайликка эга автобусда Хўжандга кетаялдим. Узим ўқитувчиман. Талабалик даврларим Тожикистонда ўтган.

Уша пайтларда жуда кўп дўстлар орттирдим. Бугун улар билан дийдорлашай, деб йўлга чиқдим. Автотранспорт хизматларидан мамнуним.

Ушбу йўналишда йўловчиларга Ўзбекистон томонидан "Manzara tourism bus" ҳамда Тожикистон томонидан эса "Holding Aziza Group Tadjikistan" компаниялари хизмат кўрсатади.

17 майдан эътиборан янги йўналиш бўйича ҳар кун уч мартаба мунтазам автобус қатновлари амалга оширилади.

Р. ОТАМУРОВ.


# Қисқа сатрларда

- "Ҳадиси шариф билимдони" кўрик-танловининг Бухоро вилояти босқичида Мир Араб олий мадрасаси талабаси Шайхоб Саидов ва Мир Араб ўрта махсус ислом билим юрти талабаси Фуқрат Муқаддасов йигитлар ўртасида, "Жўйбори Калон" ўрта махсус ислом билим юрти талабаси Ойдиной Ҳақназарова қизлар ўртасида биринчи ўринга муносиб кўрилди.
- Аҳолининг репродуктив саволатлигини асраш, патронаж хизматида қамраб олиш мақсадида Андижон вилоятида чуқурлаштирилган тиббий кўриклар ташкил этилмоқда. Булоқшоҳ туманида бўлиб ўтган ана шундай кўриқда 13 миң 841 нафар фуқаро саволатлиги кўздан кечирилди.
- Фаргона вилояти ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинган 22 нафар шахсга фуқаролик паспортларини топшириш маросими бўлиб ўтди. Президент Фармонига қўра, Фаргона шаҳридан 11 нафар, Фаргона туманидан 8 нафар, Марғилон шаҳридан 3 нафар шахс фуқаролик паспортларига эга бўлди.
- Урганча Фавқулодда вазиятлар, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Ёшлар иттифоқи ҳамкорлигида ўрта махсус ҳамда касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида "Ёш кутарувчи" мусобақасининг мамлакат босқичи ўтказилди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.



Динара ЧИРКОВА ҳамда Хаким ЙЎЛДОШЕВ олган суратлар.



# БУХОРОДА ТУРИЗМ ИҚТИСОДИЁТНИНГ МУҲИМ ТАРМОҒИГА АЙЛАНАДИ

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча таъминлаш чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, 7 февралдаги “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарориди белгилаб берилган вазифалар ижроси шахар ва қишлоқларимиз инфратузилмаси яхшиланиб, аҳоли турмуш даражаси ошишига хизмат қилади. “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” ички туризмни ривожлантириш дастури доирасидаги фаоллашув ҳамда чет эллардан сайёҳлар оқимининг жадал охиб бораётгани юртимизнинг жозибдор бўлишига дунё аҳоли орасида қизиқиш кучлигини аниқлатади. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг маслаҳатчиси, туркиятлик эксперт, сайёҳлик бўйича йирик мутахассис Содиқ Бадак ўз чиқишларида европаликларнинг юртимиздаги тарихий ва экотуризмга қизиқишларини, Хиндистон, Малайзия, Индонезия, Туркия, Саудия Арабистони ҳамда Эрон мамлакатларидан келадиганлар зиёрат туризмига, Хитой, Япония, Жанубий корейлик сайёҳлар эса маданий ва кўнгилочар туризмга мойилликларини баён этди.

“Шарқ Венецияси” деган ном билан туристлар орасида машҳур Бухоро шаҳрида сайёҳлар оқимининг кўпайиб бораётгани ҳам ана шундан далолат беради. Тарихий маълумотларга кўра, Шарқнинг машҳур қадимий кенти Бухорога милоддан аввалги биринчи минг йиллик ўрталарида асос солинган. Дунёнинг турли халқларида, хусусан, қадимий юнон, хитой, араб манбаларида Бухоро номи юксак эҳтиром билан тилга олинади. Юнон олими Клавдий Птолемей “География” асариди, хитойлик сайёҳ Сюаньцзан “Хотиралар” китобида эслаб ўтган Бухоро Урта асрлар араб манбаларида Нумижат, Навмижат, Бумичкат (“Янги кўрган”), “Ал-Мадина ас-суфрийя” (“Мис шаҳар”), “Мадина ат-тужжор” (“Савдогарлар шаҳри”), Фохира — “Фахрли шаҳар”, дея таърифланган. Ислон дини, мусулмон ахлоқи, маданияти ҳамда ҳуқуқшунослигининг Шарқдаги қучли марказларидан бирига айланган Бухоро “Куббат ул-ислом” — “Ислон динининг гўмбазини” деган шарафга ҳам ноил бўлган. Айтиш жоизки, тарихи теран Бухоро шаҳри бугун ҳам дунё эътиборидаги шаҳарлар рейтингиди юқори поғоналарда туради.

сеҳри дунё кезган сайёҳларни ҳам лол қилиб қўганди.

## Замонавий “hostel”

“Олимжон” қарвонсаройида таниқли фотограф Шавкат Болтаев ташкил этган фотогалерея, ёш тадбиркор Жамшид Кенжаевнинг шахмат клуби хар қандай сайёҳда катта қизиқиш уйғотади. Аммо қарвонсарой четда ва қаровсиз бўлгани учун уларнинг йўли бу жойларга унча тушармайдди.

Жамшид Кенжаев шахмат клубига қелганларга дарҳол ширин чой узатади. Хоҳишига қараб, қаҳва дамлаб беради. — Бу жой тарихан олиб қараганда, меҳмонлар кўниб ўтадиган қарвонсарой бўлган, — дейди Жамшид. — Шу йилнинг бошида “Bukhara travel Drive” масъулияти чекланган жамиятини ташкил қилгандим. Мақсадим бу жойда нархи ҳамма-боп бўлган замонавий қарвонсарой — “hostel” (умумий ётоқхона) очиш. Туркиядан инвесторлар ҳам топганман, улар меннинг лойиҳамни кўриб чиқиб, маълумлашди. Мақом йўлида қўлайлигини мушққа гуруҳини туюмоқчиман. Ахир, миллий чолғуларимизни кўришнинг ўзи ҳам сайёҳлар учун қизиқарли-да...

— Бундоқ қараганда, “автостопчиқ”лар ҳам сайёҳлик соҳасини реклама қилишда катта роль ўйнайди, — дея сўзиди давом этади Жамшид. — Улар Бухорога ҳам кўп келишади. “Hostel” очишга эришсам, улар қанча кўп келишсаям бепул ётоқ билан таъминлашни йўлга қўярдим. Турли автоклублар ҳам сайёҳлик соҳасига хизмат қилади. Мен Россиядаги “Газ-69” автоклуби аъзосиман. Индонезия, Озарбайжон, Украина, Беларусь сингари мамлакатлардаги барча аъзоларимиз 30 нафардан зиёд. Шаҳар четиди “Кемпинг” очиш ниятим амалга ошса, уларни бу ерга таклиф этмоқчиман. “Автостопчиқ” — дарвешлар ҳам, автоклуб аъзолари ҳам бугун дунё бўйлаб юришади, қаерда бўлишмасин, борган жойлари ҳақида гапириб беришади. Демак, буларнинг барчаси сайёҳ-

- ✓ Тарихий маълумотларга кўра, Шарқнинг машҳур қадимий кенти Бухорога милоддан аввалги биринчи минг йиллик ўрталарида асос солинган.
- ✓ Бухорода 300 дан ортиқ мадрасалар, 30 та ҳовуз бўлган.
- ✓ Бухоро XVIII асрдан XX аср бошларига қадар мискарлик, қандакорлик бўйича Марказий Осиёнинг асосий маркази ҳисобланган.

инсон учун энг юксак унвон. У ясаган мискарлик, қандакорлик буюмлари ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳини, дунёнинг кўплай мамлакатларидаги шахсий коллекцияларни, Бухородаги Абдуҳалиқ Фихдувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, пойтахтимизнинг Хастимом меъморий мажмуаларини беэаб турбиди. Фарзандлари Дмитрий, Владимир ҳам ота касбини давом эттиришмоқда. Хунармандлар ўртасида ўтказилган кўрганмаларнинг вилоят ва республика босқичларида уларнинг ишлари юксак баҳоланган.

— Модарихон мадрасасининг бир-икки хужрасини хунармандлик устaxonасига айлантириб, ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари бошидан шу ерда фаолият юритиб келялганман, — дейди Николай ака соф ўзбек тилида. — Аллоҳа шукр, мусулмон бўлганимга 20 йилдан ошди. Мадрасанинг ўнлаб хужралари бўш ётгани афсусланди, қанийди, хунармандлар бу жойларни тўлдириб, аждодларининг касбу корларини давом эттиришса, дейман.

**БУХОРОГА**  
бу йил хориждан  
**350000**  
нафар  
сайёҳ келиши  
кутиляпти.

Маълумотларга қараганда, Бухоро XVIII асрдан XX аср бошларига қадар мискарлик, қандакорлик бўйича Марказий Осиёнинг асосий маркази ҳисобланган. XX аср бошларида бу ерда 100 нафар мискар фаолият юритиб, уларнинг 50 нафари хунармандчилик буюмларини юқори сифат билан ясаб иқтидорига эга бўлган. Ўтган асрнинг ўрталарида мискарлик, қандакорлик бу ерда таназзулга ўчраб, ҳақиқий усталар қолмади. Аммо бундан ўттиз йиллар муқаддам Николай Анисимов миллий хунармандчиликнинг бу қадимий турларини қайтадан тиклашга қарор қилди ҳамда соҳага доир китоблар, альбомлар, каталоглардан чойнак, чиллим, дастхўй сингари буюмларни қандай ясаб кераклигини мустақил ўргана бошлади. Бу йўлда унга сулолавий мискар уста Саид Фаёзовнинг таъсири ҳам катта бўлди.


— Қадимий масжиду мадрасаларнинг ҳар бир гишти руҳий қувват, маънавий нур тарата олишини ҳис этган хунармандгина муваффақият қозона олади, — дейди уста Николай комил ишонч билан. — Дунёнинг турли чеккаларидан бу ерга сайёҳлар шунинг учун оқиб келишади.

— Модарихон мадрасасига ҳамма сайёҳлар ҳам келаверишмайди, — миллий хунармандчилик буюмлари ошуфтаси, уста Николайнинг муҳлиси Сулаймон Мухсинов мадраса ҳовлисида сочилиб ётган стол-стулларга ишора қилади. — Аввалдан қизиқиб, маълум маълумотларга эга бўлиб, атай қидириб келадиган чет эллик сайёҳлар учун хар бир гишт, деворлардаги қадимий нақшлар муъжиза бўлиб кўринади, соатлаб тикилиб ҳам тўйишмайди. Маҳаллий сайёҳлар эса бу ерда ош пиширадиган дошқозон борлигини эшитиб келишади — бундай муносабат хар қандай кишини афсуслантирмаддан қолмайди...

## Хар бир ишга дид ва эътибор билан ёндашиш керак

— Сайёҳликнинг самара келтириши шартитга боғлиқ, — дейди тарих фанлари доктори, Бухоро давлат университетини профессори Шодмон Хайитов. — Етти пир — Ҳазрат Абдуҳалиқ Фихдувоний, Хожа Мухаммад Ориф ар-Ревғарий, Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий, Хожа Али Ромитаний, Хожа Мухаммад Бобойи Самосий, Сайид Амир Кулол, Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд мақбара ҳамда мажмуалари зиёрати учун шаклланаётган инфратузилма, йўлларнинг соғлиниши ички ва ташқи туризм ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Меъморий обидаларни қадимда қандай бўлган бўлса, шу ҳолича сақлаб қолиш ёки уларни таъмирлашда қадимийликка амал қилиш лозим. Мавжуд тарихий ёдгорликлар ҳали тўлиқ рўйхатга олинмагани рост. Рўйхатга олиб, улар ҳақида муфассал маълумотлар тайёрлаш учун ҳозир олимлар ҳамда магистр талабалардан иборат гуруҳни жалб этганмиз. Мана шу ишлар амалга оширилса, бу тарихий ёдгорликларнинг сайёҳликдаги аҳамияти аниқ намоён бўлади. Бухорода 300 дан ортиқ мадрасалар, 30 та ҳовуз бўлган. Уларнинг ҳозирги аҳоли қанча, қанчаси қай даражада сақланиб қолган, ўз ҳолича қолдирилиши зарур бўлганларни таъмирга муҳтожлари қанча — бу вазифалар мутасадди ташкилотлардан тортиб, мутахассисларнинг зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Зарур чоралар кўрилиши керак. Бундай ишностларни таъмирлаш ишларига кўча усталари эмас, мутахассислар жалб қилиниши лозим. Мазкур жараёнда эса таъмирда ишлатиладиган лойнинг кимёвий таркибидан тортиб, устанинг маҳоратига катта аҳамиятга эга. Тегишли ташкилотлар таъмирлаш йомшларига пул ажратиб, маблагни сарфлаш мақсадида шоша-пиша, билиб-билмай харакат қилсалар, қош қўяман деб кўз чикариб қўйишлари ҳеч гап эмас. Масалан, баъзи жойларда чиройли кўрсатаман, деб гипсокартон қоқиб қўйишди, бундан кўра тегишмай кўя қолган маъвқул.



— Қадимий ҳамда замонавий дизайнлар биз ишлаб чиқараётган гиламларимизнинг ўзига ҳосилгини таъминлайди, — дейди марказ иш юритувчиси Абдурауф Разақов. — Франция, Италия, Япония сингари мамлакатлардан келган сайёҳлар шунинг учун маъсулларимизни жуда қадрлаганди. Бизда кўзбўямачиликка йўл қўйилмайди, тоза ипак ишлатиламан.

Марғилондан тайёр ҳолда келтирилган қалавалардан қорхона қошида фаолият юритаётган адрас цехида миллий матолар тўхилмоқда.

— Аслида сайёҳларнинг талаб-эҳтиёжларига қараб савдогарлар Марғилондан тайёр адраснинг ўзини келтириб сотишлари арзонга тушиши мумкин, — дейди тўхувчи Зарина Солиева. — Аммо аксарият хорижликларни уни ишлаб чиқариш жараёни ҳам қизиқтиради. Улар цехимизга кириб келишлари билан ўзларини



Шомурот ШАРАПОВ ҳамда Ҳосан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

ларни аждодларимизга муносиб бўлиб, уларнинг себаҳо мерослари аҳамиятини аниқлаб амалга оширишимиз мақсадга мувофиқ. Илгари “Уста Ширин” номидаги таъмирлаш устaxonаси булар эди, ҳозир ўша аънаъларни тиклаш пайти келди. Йўқса, пул ажратилади-ю, иш сифатли бажарилмайди.

## Миллий хунармандчилик синоати

Кўчаларнинг кенгайтирилиши, йўлларнинг соғлиниши, биноларнинг таъмирлаши каби ишлар тизга давом этаётгани боис Бухоро шаҳри шу кунларда қурилиш майдонидан асло қолишмайди. Сайёҳлар ҳаминша гавжум бўладиган Арк ва Минораи Калон майдонлари ўртасидаги “Шахристон” бозорининг қурилиши ҳам улкан бунёдкорликлар сирасига кирди. Қурилиш бошланганига шай қилиниб, теварак-атрофи ўраб қўйилган 15500 квадрат метр очик майдоннинг хар томонида дастлабки қўймати 18,5 миллиард сўмини ташкил этадиган объект жорий йилнинг сентябрида топширилиши ҳақида маълумот ёзилган плакатларга кўзингиз тушади. Бу плакатларда лойиҳа ташкилотчисидаан тортиб, буюртмачию пудратчиларнинг номларига аниқ қилиб ёзиб қўйилган.

Мана шу қуриллаж бозорининг орти томонида, сайёҳлар гавжум бўладиган Минораи Калон майдони томон чикиб борадиган йўлнинг чап тарафиди жой-

лик соҳасини ривожлантиришда муҳим ўрин тутди. Президентимизнинг ҳаётга янгича қараш, дунёдаги ўзгаришлар билан ҳаммадан бўлиш, инновацион ғояларни қўллаб-қувватлаш ҳақидаги қўрсатмаларини тинглаганимда, қалбим тўлқинланиб кетиб, турли лойиҳалар миямга келавериди. Бу ғоялар ердан узилган ҳайлий Нарсалар эмас, мен ўзимизнинг шарт-шароитимиздан, имкониятларимиздан, чет эллик инвесторлар билан олиб борган музокараларимдан келиб чиқиб иш тутаман. Имон берилса, ҳозир қаровсиз ҳолда ётган “Олимжон” қарвонсаройини аслида қандай бўлса, шундай таъмирлаб, ўша қадимий қиёфасини қайтарган бўлардим.

Жамшид Кенжаев чет тилларни ҳам биладиган, ўз устиди ишлаб, дунё сайёҳлиги тажрибаларини яхшигина ўстастирган йигит экан. Унинг орзу-иштиги қадимий миллий аънаъларимизга суюнган ҳолда сайёҳларга хизмат кўрсатишдан иборат.

## Уста Николайнинг орзуси

Николай Анисимов миллий хунармандчиликнинг қадимий турларидан бўлган мискарлик, рехтагарлик, қандакорлик соҳаларида бирдек қамолот касб этгани туйғайли нафақат Бухорода, балки республикамизда ҳам юксак ҳурмат-эътибор қозонган. Бу соҳаларнинг қадрига етадиган мутахассислар, коллекционерлар уни биргина сўз билан “Уста” деб таърифлашади. Бу ўз касбини севган

— Хунармандчиликнинг металл билан боғлиқ турлари йўқолиб бораётгани жуда ачинарли, — дейди Николай Анисимов. — Қозғистон киножодкорлари катта маблағ йўналтирилган “Кўчманчилар” бадий фильмини суратга олишдаётганда, аскарлар дубулғасини ясайдиган устанни ўзларида тополмай, менга келишганди. Фарзандларим билан ишлаб, уларга 16 та дубулға ясаб берганмиз. Мен ўз касбимни ёшларга ўргатиш учун ҳаминша тайёрман. Ўқув даргоҳи очиб беришса ҳам, майли, ўзим ўқитиб, ўзим тарбиялайман, устaxonа очиб беришса ҳам розиман — гап номда эмас, амалий натижада.

2018 йил 10 январь куни “Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган қорхоналарга қўмақлашиш ва рақобатини ривожлантириш давлат қўмитаси Бухоро вилояти худудий бошқармаси ҳузуридаги Бухоро вилояти “Давлат мулкни ижарага бериш маркази” давлат унитар қорхонаси” директори в.в.б. А. Пулатов имзоси билан Николай Анисимовга оғохлантириш хати юборилиб, унга “Модарихон” мажмуасидан 36,57 кв.м. биноиншоот ижарага берилгани қайд этилган ҳамда мактуб давомида турли ҳужжатлар рўқач қилиниб, устандан бу ердаги жойлар энди тиллов асосида ижарага берилиши, хоҳласа, танловда қатнашиши мумкинлиги, акс ҳолда эса, жойини бўшатиб қўйиш талаб этилган.

Мадрасада ўнлаб хужралар бўш, қаровсиз ётгани ҳолда, тарихий обидалар жонқуяри уста Николай Анисимов ижарага олиб турган арзимас жой, бир-иккита хужра учун бундай иддаолар ортқиқа эканлиги ўз-ўзидан аён. Холбуки, устанинг ёшларни йўқолиб бораётган миллий хунармандчиликка ўргатиш орзусини амалга ошириш учун унга амалий ёрдам кўрсатиш кераклиги кўп ҳам бош қотирадиган муаммо эмаслиги ўз-ўзидан ойдинлашади.

— Қошинпазлик хунари ҳам бир маҳаллар Бухорода пайдо бўлиб, кейин Эронга кўчган, — дейди Бухоро вилояти бош имом-хатиби Мансур Нуруллоев. — Энди у ерда бу хунар ривожланган, ўзимизда йўқолиб кетди. Биз йўналишни тўғри олишимиз керак: вақтни бой бермай, қадимий хунармандчиликимизни, буюк аждодларимизнинг аънаъларини давом эттириши истайдиганлар хар томонлама қўллаб-қувватласак, уларга қўмақлашсак, эртага бу ўзимизга катта инвестиция олиб келади. Уста Николай айтмоқчи, маданий мерос объектлари бўлган қадимий мадраса ҳамда масжидларини ошона, кафе, ресторани ёки савдо дўконига эмас, ўша қадимий йўналишга қараб ижарага бериш керак. Бугун тушадиган арзимас ижара пулларига қизиқиш бундай ишларни ўн йиллаб орқага суриб юборади. Энди қўзимизни очилиши керак. Азалий аънаъларга қараб иш тутсак, бу бугун ҳам, эртага ҳам нафақат моддий, балки маънавий-маърифий даромад ҳам олиб келади. Президентимизнинг бу борада оқиб бораётган сиёсатини ҳаётга мана шундай муносабатда бўлиши талаб этилмоқда. Бунчи тўғри аниқлаб, турли йўл тутишимиз керак. Қадимий иншоотлар хунармандларга берилса, “Устоз — шоғирд” аънаълари яна тикланади, иззат-ҳурмат, маданият шаклланади.

## Ўзаро мулоқотнинг қулай воситаси

— Туризм халқ фаровонлиги омилли эканлигиндан ташқари, ўзаро мулоқотнинг энг қулай воситаси ҳамдир, — дейди Бухоро шаҳридаги “Китоб олами” масъулияти чекланган жамияти ходими Назира Мансурова. — Меҳмонхоналарга яқин ерда жойлашгани учун китоб дўконимизда чет эллик сайёҳлар жуда кўп киришади. Уларни бизнинг ҳозирги замона адибларимизнинг асарлари кўпроқ қизиқтиради, чет тилларда бундай китобларни тополмай афсусланиб чиқиб кетишади.

— Ташкентдан йўлга чиққан тезорар поезд Бухорога 3,5 соатда, “Боинг” самолёти 50 дақиқда етиб келади, — дейди “Бухоро турист” МЧЖ “Гранд Бухоро” меҳмонхонаси бошқаруви раиси Аҳмад Хусанов. — Аммо на поездда, на самолётда мамлакатимизда чоп этиладиган етакчи газета-журналларни кўрсатса. Самолёт мониторингарида намойиш этиладиган баҳана курсатувлар ўрнига эса шаҳарларимиз ҳақида қанчадан-қанча маълумотлар берса бўлади.

— Сайёҳлар ўриндиқлар етишмаслигидан, айрим жойларда уларнинг умуман йўқлигидан, ҳожатхоналарнинг талабга жавоб бермаслигидан ёзғирини, — дея ўз фикрини билдиради бухоролик Мирзо Ражабов. — Арзимасдек кўрингани билан ҳаётий эҳтиёлдан келиб чиқадиган бундай амиллар ҳам жиддий эътибор қаратиш лозим.

## Хорижлик сайёҳлар нима дейди?

— Бухорога илк бор келишим, — дейди швейцариялик фотограф Йоган Сафшон. — Жунда аҳолиёб таассуротлар олдим, туризм хизмати яхши йўлга қўйилганига гап бўлди. Меҳмонхонада хизмат турларини қўлайтириш керак. Транспорт хизматини ҳам ривожлантириш зарур.

Австралиялик ҳуқуқшунос Рос Цанесонинг айтишича, Бухоро шаҳрининг тарихийлиги, одамларнинг самимиети унда ёрқин таассурот қолдирган. У хар бир сайёҳга индивидуал ёндашувл лозимлигини таъкидлайди.

Малайзиялик транспорт компанияси ходими Суҳари бин Мезаки йўлларнинг аҳолидан қониқмаганини билдирса, Австралиянинг Мельбурн шаҳридан келган муҳандис-маслаҳатчи хизмат кўрсатиш марказларини қўлайтириш, катта йўллар ёқасидаги сервисни яхшилаш тақлифини киритади.

Соҳа мутахассислари, хорижлик сайёҳлар, ҳамюртларимизнинг фикр-мулоҳазалари эъқурсовод-гидлар, сайёҳлик йўналишини белгилашда музеелар ҳамда бошқа илмий муассасаларнинг аҳамияти сингари долзарб мавзулар доирасида хатта қўллаб-қувватлаш олиб борилиши кераклигини кўрсатади. Ана шундангина Шарқ Венецияси — Бухоро ўз сайёҳлик салоҳиятини оламга тўлиқ намоён эта олиш имконига эга бўлади.

# АЛЛЕРГИЯ СИЗНИ БЕЗОВТА ҚИЛМАСИН



Бугунги кунда бутун дунёда экологиянинг бузилиши, ишлаб чиқаришда ҳар хил кимёвий воситаларнинг меъеридан ортиқ қўлланилиши, шунингдек, нотўғри овқатланиш, гигиеник талабларга амал қилмаслик инсонларда турли аллергия касалликларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда.

ҳамда профилактика қилиш соҳасида жиддий муаммолар сақланиб қолаётгани. Жумладан, аллергиянинг фундаментал ва амалий асослари ривож тиббиётдан узилиб қолган, соҳа-

сослаштирилган аллергия касалликларининг ёрдам кўрсатиши такомиллаштириш, аллергия касалликларига ташхис қўйиш ва уларни даволашда илғор услубларни жорий этиш, шунингдек, соҳада фаолият кўрсатувчи тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ҳамда кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш билан боғлиқ барча масалани

да аллергия касалликларининг олдини олиш, уларга ташхис қўйиш ва даволаш бўйича инновацион усуллар ишлаб чиқилад.

Ҳужжатда клиник аллергиялогия ва иммунология соҳасида мутахассислар тайёрлайдиган, қайта тайёрлайдиган ва уларнинг малакасини оширадиган муассасалар етакчи хорижий тиббиёт таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик ўрнатиши, соҳа ривожига хорижий давлатлар, халқаро молия ташкилотларининг имтиёзли кредитлари (қарзлари) ва грантларининг жалб қилиниши белгиланган.

Аллергия касалликларини эрта аниқлаш учун 18 ёшга тулмаган ва ҳавф остида бўлган болаларни 2019 йил 1 январдан 1 июлгача бепул текшириш бўйича бир марталик умумдавлат акцияси ўтказилиши ҳам халқимизни мамнун этган тадбирлардан яна биридир. Чунки кўпчилигимиз фарзандларимизда кузатилаётган томоқ қичиши, терида шиш ёки тошмалар пайдо бўлиши, аксирини, кўз ва бурун шиллиқ қаватидаги ўзгаришларни кўриб, уларни шамоллаш ёки бошқа касалликларга қарши дори воситалари ичишга мажбурлаймиз. Улар айнан аллергия касалликларининг белгилари эканлиги ҳақида аса уйламаймиз. Умумдавлат акцияси бу борадаги муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш имконини беради. Мамлакатимиздаги эркин иқтисодий зоналар ҳудудида аллергия-

га қарши дори воситалари, профилактика рекомбинант аллергия вакциналари, даволаш ва ташхис қўйиш аллергиялари ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши, Республика илмий-ихтисослаштирилган аллергиялогия марказида лаборатория амалиёти халқаро андозаларга (GLP) жавоб берадиган замонавий юқори технология усуллари билан жиҳозланган клиник-иммунология лабораториясининг ташкил этилиши, Тошкент тиббиёт академияси ҳамда Тошкент педиатрия тиббиёт институтида аллергиялогия ва клиник иммунология кафедрасининг очилиши, магистрларнинг тайёрлиниши соҳа истиқболдан далолатдир.

Юртимизда аллергия ўсимликлар чанги тўпланишини кузатишни ҳамда муайян ҳудудда аллергия патологияси билан касалланган беморларни хабардор қилишни назарда тутадиган аэробыологик мониторинг тизимининг, шунингдек, аҳоли "аллергия паспорти"нинг ишлаб чиқиши ва бошқа зарур чора-тадбирлар келажакни соғлом асосда барпо этиш, жисмонан бақувват, ақлан етук авлодини камолга етказишга хизмат қилади. Зеро, эртасини ўйлаган халқининг йўли доимо ойдин, манзили нурафшондир.

Мунис МУҲСИНОВ,  
олий тоифали  
аллерголог-шифокор.

Статистик маълумотларга қўра,  
бугунги кунга келиб Ер юзи аҳолисининг  
**30 – 50**  
фоизи аллергиядан азият чекади.

## МУНОСАБАТ

Юртимиз аҳолиси учун ҳам бу муаммо бегона эмас. Республикаимизнинг деярли барча ҳудудидан турли корхоналар, заводлар ишламоқда, кўчаларимизни тўлдириб машиналар ҳаракатланади. Одамлар тиббий маданиятга етарлича эътибор қаратмаяпти. Бундай ҳолатлар аса ҳар хил аллергия касалликларининг кўпайишига замин яратди.

Шуни айтиш керакки, бу борада соҳа тараққиётига эътиборсизлик ушбу омилларнинг энг ачинарлиси эди. Аллергия касалликларига ташхис қўйиш, уларни даволаш

да малакали врач-аллерголог ва иммунологлар етишмас, тиббиёт муассасаларини даволаш-диагностика аллергиялари билан таъминлашда турли камчиликлар кўзга ташланарди. Шу боис Президентимизнинг 2018 йил 11 майдаги "Аллергия касалликларини профилактика қилиш, уларга ташхис қўйиш ва даволашни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини нафақат шифокорлар, балки мамлакатимиздаги ҳар бир инсон катта хурсандчилик билан кутиб олди.

Мазкур ҳужжат юртимизда икти-

комплекс тарзда ҳал этишига қўра жуда аҳамиятлидир.

Қарорга мувофиқ, эндиликда Республика илмий-ихтисослаштирилган аллергиялогия маркази томонидан соҳада фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб бориш асосида аллергия касалликларини профилактика қилиш, уларга молекуляр ташхис қўйиш ва даволаш бўйича ягона марказлаштирилган тизим яратилиб, аллергия касалликларини эрта аниқловчи скрининг дастурлари жойларда босқичма-босқич жорий этилади. Тиббиётнинг умумжаҳон ютуқлари асоси-

## ФЕСТИВАЛЬ

Урганч шаҳрида Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ёшлари иштирокида корейс тили ва маданияти минтақавий фестивали ўтказилди.

## Дўстлик ришталари мустаҳкамланмоқда

Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ва корейс миллий маданий маркази ҳамкорлигида миллий маданият, тил, урф-одат ва анъаналарни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантириш мақсадида ташкил этилган ушбу тадбир бу йил ўнинчи бор ўтказилмоқда.

Ўзбекистонда бошқа миллат вакиллари билан бир бола фарзандларидек аҳил-иноқ яшаб келаямиз, — дейди Хивадаги "Болалар шаҳарчаси" директори, Ўзбекистон Қаҳрамони Вера Пак. — Бугунги кунда Хоразм вилоятида истиқомат қилаётган 4400 нафарга яқин корейс миллати вакиллари

ҳам юртимиз тараққиёти йўлида сидқидилдан меҳнат қилмоқда. Мазкур минтақавий фестиваль Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги корейс тилини ўрганаётган ёшларга ўз имконият ва салоҳиятларини тўлиқ намойиш этиш имконини беради. Бундай тадбирлар ўзбек ва корейс халқлари ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Фестиваль якунида фаол иштирокчилар диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирландилар.

Одилбек ОДАМБОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Жиззахлик болалар Германияда даволанади

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди Жиззах вилояти бўлими ташаббуси билан сўнгги йилларда 3 ёшдан 13 ёшгача бўлган 15 нафар ногиронлиги бўлган болалар Германия клиникаларида бепул даволаниб қайтишди.

## ҒАМХЎРЛИК

— Болажонларнинг даволаниши 6 ойдан 3 йилгача чўзилиши мумкин, — дейди фондининг вилоят бўлими раҳбари Мамлакат Орипова. — Бу вақтда улар махсус шаҳарчада дунёнинг бошқа давлатларидан келган ўз тенгдошлари билан бирга истиқомат қилишади, бу уларнинг хориж тилларини ўрганиб олишларида ҳам кўл келади.

Яқинда Германиянинг "Friedensdorf International" халқаро ташкилоти билан фонд ўртасида тузилган шартномага асосан таянч-

ҳаракат, овқат ҳазм қилиш тизими, сийдик йўли, куйиш асоратлари ва туғма нуқсон бор биззахлик болаларнинг 20 нафари Самарқанд вилоятининг кўп тармоқли болалар тиббий марказида Германия шифокорлари томонидан кўриқдан ўтказилди. Тиббий хулосаларга қўра, уларнинг уч нафари Германияда, тўрт нафари Самарқандда даволаниши учун йўланмалар олишди.

Толибқон ЭРҒАШЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Zamin Eko Agro» корхонаси ғалладан бўшаган майдонларга экиш учун «NS SEME» (Сербия) компаниясида ишлаб чиқарилган сифатли ва серхосил маккажўхори ҳамда кунгабоқар уруғларини таклиф қилади:

**Маккажўхори — NS 205 F1.** Эртапишар дурагай. Вегетация даври — 90 кун. Хосилдорлиги — 10 т/га.

**Кунгабоқар — Душко F1.** Эртапишар дурагай. Вегетация даври — 80 — 90 кун. Хосилдорлиги — 3-4 т/га.

Уруғлар синовдан ўтган, сертификатланган ва Давлат реестрига киритилган.

Муваффақият уруғларини экинг...



«ZAMIN EKO AGRO»  
Тошкент ш., М-39 автомагистралли,  
тел: (+99899) 130-51-21, 75502465,  
факс (+99871) 150-15-89.  
www.zea.uz

«ХАЛҚ СЎЗИ»га  
ЭЪЛОНЛАР  
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.  
9.00 дан 18.00 гача  
232-11-15,  
232-10-63.  
E-mail: reklama@xs.uz

## Туристтик агентликлар раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 февралдаги «Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Фарғона вилояти ҳокимлигининг 2018 йил 11 апрелдаги йиғилиши баёни ижросини таъминлаш мақсадида

«Ўзтрансгаз» АЖнинг «Фарғонагаз» филиали ишчи-ходимларини республика бўйлаб саёҳат сафарига юбориш учун 5 кун ичида туристик агентликларнинг тижорат таклифларини қабул қилади.

Мурожаат учун: Фарғона шаҳри,  
Бурхониддин Марғинович кўчаси, 76-уй.  
Телефон: (+998 73) 229-04-36.

«Фарғонагаз» филиали маъмурияти.

## ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР! «Асака» банки

2018 йил Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили муносабати билан миллий валютада мuddатли қуйидаги янги омонат турини таклиф этади:

### «ФАОЛ ТАДБИРКОР»

Ушбу омонатнинг сақланиш мuddати 6 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар омонат мuddати тугаганидан сўнг берилади.

Шу билан бирга, «Асака» банки миллий ва хорижий валюталарда қулай шартларда 30 дан зиёд омонат турларини таклиф қилади. Омонатларни банкнинг барча филиалида расмийлаштириш мумкин.

Телефонлар: (0-371) 120-82-37, 120-82-65.

Филиаллар	Код	Телефон	Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	(0-371)	120-83-13	Наманган вилояти филиали	(0-369)	227-15-68
«Автотранспорт» филиали	(0-371)	120-39-95	Навоий вилояти филиали	(0-436)	770-21-29
Шайхонтоҳур филиали	(0-371)	140-39-36	Зарафшон филиали	(0-436)	572-40-14
Юнусобод филиали	(0-371)	221-80-67	Бухоро вилояти филиали	(0-365)	770-05-19
Сергеи филиали	(0-371)	257-44-10	Бухоро шаҳар филиали	(0-365)	770-11-27
Тошкент вилояти филиали	(0-371)	120-84-13	Самарқанд вилояти филиали	(0-366)	233-65-47
Анджон вилояти филиали	(0-374)	223-60-74	«Афросиёб» филиали	(0-366)	221-71-76
Асака филиали	(0-374)	233-21-99	Қашқадарё вилояти филиали	(0-375)	221-07-41
«Фарход» филиали	(0-374)	226-96-63	Сурхондарё вилояти филиали	(0-376)	770-82-12
Фарғона вилояти филиали	(0-373)	244-39-14	Қорақалпоғистон филиали	(0-361)	770-60-59
Марғион филиали	(0-373)	237-62-23	Хоразм вилояти филиали	(0-362)	228-14-81
Олтириқ филиали	(0-373)	432-19-80	Сирдарё вилояти филиали	(0-367)	225-44-03
Кўқон филиали	(0-373)	542-61-01	Жиззах вилояти филиали	(0-372)	226-43-11

Омонатлар Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгаллик қилиш ҳамда тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган.

«Асака» банки сармомиянинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

## Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 545. 112 922 нуسخада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетанинг ҳар қандай маълумотларини юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқили сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона (0-371) 233-52-55;  
Котибият (0-371) 233-10-28; Ўзлонлар (0-371) 232-11-15.



Тахририятга келган қўламақлар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштириш тақрир қилиш зарур.  
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғас томонидан саҳифаланди.  
Газетанинг полиграфик жиҳатда сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.  
Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи муҳаррир — М. Жошқонов.  
Навбатчи — З. Апурава.  
Мусаҳҳих — С. Исомов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:  
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 04.55 Топширилди — 05.50 1 3 4 5 6

## Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунийлик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси